
“МАҲОРАТИМНИ КЎРИНГ!” ВИДЕОРОЛИКЛАР ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Вилоят ҳокимлиги, вилоят спорт бошқармаси, вилоят футбол ассоциацияси, Vodi1.uz расмий интернет нашри билан ҳамкорликда вилоятимиз маҳаллаларидаги ёш футболчилар, футбол мактаблари ўқувчилари ўртасида “Маҳоратимни кўринг!” видеороликлар танлови эълон қилинганди.

Овоз бериш натижаларига кўра, 1-ўринни Учкўприк спорт мактаби ўқувчиси Авазбек Ғуломов, 2-ўринни Учкўприк спорт мактаби ўқувчиси Муҳаммадюсуф Олимжонов, 3-ўринни Олтиариқ спорт мактаби ўқувчиси Муҳаммадсолиҳ Умаров, 4-ўринни вилоят спортнинг ўйин турлари ва енгил атлетика бўйича ихтисослаштирилган спорт мактаби ўқувчиси Абдулборий Муҳаммедов, 5-ўринни Марғилон 2-спорт мактаби ўқувчиси Элсевар Олимов эгаллади.

Бугун Қирғулидаги “Нефтчи” футбол клуби қароргоҳининг машғулот майдонида ушбу танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари “Нефтчи” жамоаси бош мураббийи Виталий Левченко ҳамда жамоанинг таниқли футболчилари томонидан берилгани янада кўтаринкилик улашди.

Шу куни ёш умидли футболчилар “Нефтчи” жамоаси футболчиларидан маҳорат сабоқларини ҳам олдилар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-08-03 11:11:03